

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
[REDACTED]-СОНЛИ АЖРИМИ**

2025 йил май ойининг 30-куни, Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: Ж.Жаббаров,

ҳайъат судьялари: Ў.Джумаев ва Ж.Турдимуратовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED]нинг котиблигида, тарафлардан Сирдарё вилоят прокуратураси жинойий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори [REDACTED], судланувчи XXXXXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси Гулистон шаҳридаги “ [REDACTED] ” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED]ларнинг иштирокида, [REDACTED]га нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчи [REDACTED]томонидан берилган апелляция тартибидаги шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга қўшиб кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2025 йил 14 мартдаги ҳукмига кўра,

XXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX – [REDACTED],
[REDACTED],
миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси,
маълумоти ўрта, партиёга аъзо эмас, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланган:

1.Жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг 2014 йил 23 сентябрь кунги ҳукми кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 85-моддаси тартибида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган, жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2014 йил 17 декабрь кунги ажримига кўра ўталмай қолган жазо муддатидан амнистия актига асосан жазодан озод қилинган.



2.Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2015 йил 16 март кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари яъни 355.200 сўм миқрида жарима жазоси тайинланган.

3.Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2015 йил 19 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ЖКнинг 57,83-моддалари тартибида 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, тайинланган жапзо шартли дебь ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган;

4. Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2015 йил 18 июнь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61,85-моддалари қўлланиб, 3 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган;

5.Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2015 йил 8 июль кунги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 85-моддаси тартибида 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят,Зангиота туман судининг 2016 йил 26 ноябрь кунги ажримига кўра ўталмай қолган 3 йил 7 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

б) Жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2017 йил 26 сентябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,60,61-моддаларига асосан 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2019 йил 1 апрель кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 7 ой 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилган,



жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2019 йил 1 август кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 7 ой 9 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликдан чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2019 йил 16 октябрь кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 5 ой 10 кун озодликдан чеклаш жазоси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар судининг 2020 йил 7 апрель кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 11 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

7. Жиноят ишлари бўйича Ховост туман судининг 2021 йил 01 февраль кунги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2017 йил 26 сентябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ЖКнинг 57,60,61-моддаларига асосан тайинланган 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар судининг 2020 йил 7 апрель кунги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, ўталмай қолган 11 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосига қисман қўшиб, узил кесил 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2023 йил 28 ноябрь кунги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 2 ой 29 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2024 йил 08 август кунги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2023 йил 28 ноябрь



минг сўмлик кўшилган қиймат солиғини ҳамда 2024 йилнинг 9 оyi давомида солиқ ҳисоботларидан жамиятнинг 11.057.910,8 минг сўмлик даромадларини яшириб, 12 фоизли солиқ ставкасида **1.658.686,0** минг сўмлик юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, умумий ҳисобда жами **2.985.635,2** минг сўмлик бюджетга тўланиши лозим бўлган жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Судланган XXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXлар ўзларининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганлар.

Шунингдек, XXXXXXXXXX, “██████████” МЧЖ раҳбари XXXXXXXXXX билан олдиндан тил бириктириб, ушбу жамиятга норасмий раҳбарлик қилиб, ноқонуний даромад орттириш мақсадида, жамият балансига қиймати **12.384.860,0** минг сўмлик маҳсулотларни кирим қилмасдан, назорат касса машинасида фойдаланмаган ҳолда нақд пулга сотиб юбориб, сотувдан тушган нақд пул маблағларини белгиланган тартибда банк муассасига топширмасдан, Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаш-тиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли Қарорлари талабларига зид равишда, жамиятга кирим қилинмаган товарларни реализация қилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганлар.

Судланувчи XXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXлар ўзларининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганлар.

Суд ҳукми билан, XXXXXXXXXX, XXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXлар ҳам айбланган бўлиб, уларга оид қисми бўйича шикоят ёки протест келиб тушмаганлиги сабабли муҳокама қилинмайди.

Судланувчи XXXXXXXXXX шикоятида, тергов органи ва суд томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, “██████████” МЧЖ раҳбари вазифасида ишламаганлиги, жамиятни норасмий раҳбари, таъсисчи XXXXXXXXXX юритганлиги, расмий раҳбар сифатида жамиятни бошқарганлиги ҳақида ҳисоботларда кўрсатилган бўлсада, аслида жамиятни ҳисоб-китоблари билан шуғулланмаганлиги ҳақида важлар келтириб, адлолатли қарор қабул қилиш сўралган.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича судья ██████████нинг маърузасини, судланувчи XXXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси, адвокат ██████████нинг шикоятни каноатлантириш ҳақидаги, прокурор ██████████нинг шикоятни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, апелляция шикоятида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга



кўра, суд ҳукмининг XXXXXXXXXXXXXга оид қисмини ўзгартиришни лозим топди.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликдаги айби, фуқаровий даъвогарнинг кўрсатуви, Сирдарё вилоят Солиқ бошқармасидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “██████████” МЧЖда ўтказилган аудит солиқ текшируви юзасидан тузилган хулосалар, “██████████” МЧЖнинг банк пул айланмаси ҳамда банк сирини ташкил қилувчи ҳужжатлар, 15.11.2024 йилда “██████████” МЧЖнинг солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва солиқларни тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши юзасидан ўтказилган тафтиш натижаси бўйича тузилган далолатнома ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳамда дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ва биринчи босқич суди томонидан текширилиб баҳоланган далиллар билан ўз исботини топган.

Судлов ҳайъати, биринчи босқич судининг ҳукмида ифодаланган барча хулосалари асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, XXXXXXXXXXXXXнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри ва асосли квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати судланувчи XXXXXXXXXXXXXнинг тергов органи ва суд томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, “██████████” МЧЖ раҳбари вазифасида ишламаганлиги, жамиятни норасмий раҳбари, таъсисчи XXXXXXXXXXXX юритганлиги, расмий раҳбар сифатида жамиятни бошқарганлиги ҳақида ҳисоботларда кўрсатилган бўлсада, аслида жамиятни ҳисоб-китоблари билан шуғулланмаганлиги ҳақидаги важлари билан келишмади.

Жумладан, шу иш бўйича судланган XXXXXXXXXXXXXнинг терго ва суддаги кўрсатувларида “██████████” МЧЖ иш бошқарувчиси унга яқин таниш бўлган ██████████ бўлиб, унинг унга қилган илтимосига кўра XXXXXXXXXXXXX билан гаплашиб, 01.02.2024 йилда №245-сонли шарномага асосан 06.02.2024 йилда № 15-сонли электрон ҳисоб фактура ҚҚС билан 500 000,0 минг сўм (ҚҚС суммаси 53 571,4 минг сўм)га тенг бўлган ҳисоб фактура тузилганлигини аммо шартномада белгиланган иш бажарилмаганлиги, унинг мақсади приходада йўқ бўлган товарларни гўёки реализация қилингандек кўрсатиш бўлганлигини, ушбу ноқонуний ишдан моддий манфаатдор бўлмаганлигини у, фақатгина ██████████ ёрдам бериш бўлганлигини, жамиятнинг бугунги кун ҳолатига қолдиқ маҳсулотлари мавжуд эмаслиги сабаби жамият асосан хизмат кўрсатиш билан шуғулланиши, йилдан-йилга ҳам қолдиқ товар моддий бойликлари ўтмаган. «██████████» МЧЖнинг 2023 йил август-декабрь ойларидаги ҳисоботлари даврида у Жиззах шаҳар 29-сонли манзил калониясида жазо муддатини ўтаётган бўлганлигини, унинг мазкур ишдан хабарим йўқлигини, жамиятнинг 2024 йил январь-март ойлари

Ҳужжат имзоланган: Жаббаров Жавлон Равшан ўғли, 03.06.2025



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида, мазкур ажрим билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2024 йил 08 август кунги ажрими билан ўталмаган 2 йил 11 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақидаги жазога қисман қўшилиб, XXXXXXXXXXXXXга узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXнинг апелляция шикояти қисман каноатлантирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(имзо)	Ж.Жаббаров
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Ў.Джумаев
	(имзо)	Ж.Турдимуратов
“ажрим нусхаси аслига тўғри”		Ж.Жаббаров

